МОРФОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ГЕНДЕР ХОСЛАНИШИ

М.ПИРМАТОВА

В работе рассматриваются морфологические единицы в гендерном аспекте. Сопоставляется частота применения суффиксов множественного числа и форм падежей в мужской и жеской речи. Определяется гендерная дифференциация в морфологическом аспекте писателей, живших в аналогичных социальных условиях.

The article deals with the morphological units in the gender aspect. It studies the frequency of usage of case and number forming suffixes of men's and women's speech. The author tries to define the gender differentiations of the writers living under the same conditions in the morphological aspect.

Тилшуносликда гендер элементларига эътибор доим ҳам мавжуд бўлган. Эркак ва аёл нутқининг муайян фарқларга эга эканлиги яққол кўриниб туриши дунёнинг барча тиллари учун хосдир.

Айрим тилларда бу фактор очиқ намоён бўлса, бошқа тилларда унинг мавжудлиги шак-шубҳасиз бўлса-да, бунинг лингвистик асосларини кўрсатиб бериш осон эмас.

Инсоният гендер фарқларни фақат биологик жиҳатларда кўрмай қўйганига анча бўлган. В.В.Морковкин энг қадимги лингвистик манбалардан бўлган санскрит тилидаги идеографик луғатларни ўрганар экан, эркак ва аёлни фарқлашда ўша даврдаёқ жамият етакчилик қила бошлаганини аниқлайди. Хусусан, олим санскрит луғатларидан бўлган «Амаракоша» бўйича келтирган қуйидаги тасниф характерли:

« II-китоб. 6 боб бўлимида:

1. Эркаклар, аёллар, қариндошлар, давлат, ташкилотлари.
2. Соғлиқ, дорилар, касалликлар, тана қисмлари.
3. Кийим, тақинчоқлар, хушбўйлар, гулчамбарлар…» [6.13-15]

Кўринадики, аёл ва эркакнинг фарқланиши энг яққол ижтимоий релевантликка эга «давлат, ташкилот» тушунчалари билан бир қаторга қўйилмоқда.

Гендер релевантлик илдизларининг бу қадар қадимийлиги ва ижтимоий табиатга эгалиги тилнинг исталган сатҳида гендер фарқлар мавжудлиги ва бу фарқлар реализацияси мулоқот жараёнининг ҳар қандай шаклларида акс этиши учун асос бўлади. Буни барча гендер тадқиқотчилари таъкидлайдилар [1.299].

Лекин конкрет тадқиқотларда, асосан, вербал, шунингдек, интонацион бирликлар, стилистик, паралингвистик ҳодисалар тадқиқот объекти бўлиб қолади. Масалан, Е.С.Гриценко фикрича, "… Гендер қурилишининг меъёрий ва манипулятив кўринишлари мавжуд. Биринчи ҳолатда гап гендер нормаларига, яъни муайян маданиятга хос эркаклар ёки аёллар нутқи учун у ёки бу нутқ шакллари (моделлари)нинг ўринли ёки ўринсизлиги ҳақидаги тасаввурларга англанган ёки автоматик тарзда амал қилиш ҳақида боради. Иккинчисида – аудиторияга муайян таъсир ўтказиш учун гендер қолипларидан мақсадли фойдаланиш ҳақида" [3.36].

Ҳолбуки, айнан шу тадқиқотчининг ўзи ишининг назарий қисмида эркак ва аёл нутқининг фарқланишида юқорида санаб ўтилган ҳодисалар билангина чекланиб қолиш замонавий фан талабларига жавоб бермаслигини таъкидлайди: "Тил билан гендер ижтимоий амалиётга сингиб кетган ва мазмун-моҳиятини ўзлари иштирок этаётган фаолиятдан келтириб чиқаради деган қоида индивидлар бирор бир мақсадга эришиш учун тил унсурларини шунчаки танламасдан, балки муайян чекловлар (институционал ёки мафкуравий) доирасида ҳаракат қилишлари, бу чекловлар уларнинг хатти-ҳаракатларида зуҳур этиши (лекин уларни белгиламайди)ни англатади. Тил ва гендер ўзаро боғлиқлигининг асоси сифатида амалиётнинг киритилиши билан тадқиқотчилар ўзларига берадиган саволлар ҳам ўзгарди. Бугунги кунда "эркаклар ва аёллар қандай гапирадилар?" саволи ўрнига улар ўзларини эркак ва аёлнинг у ёки бу типи сифатида тақдим этиш учун қайси тил ресурсларидан фойдаланадилар (ёки фойдаланишлари мумкин) деб сўрайдилар. "Эркаклар ва аёллар ҳақида қандай гапирадилар?" саволи ўрнига тил амалиётининг қайси типлари муайян гендер идеологияси ва меъёрларини ифодалайди ва қувватлайди деб сўрайдилар" [3.97].

Охирги йилларда ўзбек тилшунолигида бу масалага қисман бўлсада ойдинлик киритила бошланди. Ш.Искандаровнинг «Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари» [11], С.Мўминнинг «Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари» [12], Л.Раупованинг «Диалогик нутқнинг дискурсив талқини» [13] номли тадқиқотларида нутқ ахлоқининг спецификацияси ўрганилди.

Умуман олганда, гендер релевацияси тилнинг барча сатҳларига хослигини барча тадқиқотчилар ҳам тан олсалар-да, афтидан, санаб ўтилгандан ташқари сатҳлар (хусусан морфологик) бирликларининг гендер хосланишини аниқлаш қора меҳнатни талаб қилгани, олинган натижалар ёрқин қиёслар учун асос бўла олмаслиги тадқиқотчиларни чўчитади.

Яна таъкидлаймизки, эркак ва аёл релевацияснинг яққол кўзга ташланувчи юқоридаги позициялари қадимданоқ мавжуд бўлган**.** Бироқ бугунги лисоний мулоқотда, ижтимоий асослари кучайганига қарамай, улар тобора хиралашиб қолмоқда. Ҳолбуки, тилнинг барча сатҳларида ҳам кўп минг йиллик гендер ўзига хосликлар ўз аксини топган ва у тил тараққиётининг кейинги даврларида ҳам сақланиб қолади. Шундай ҳодисаларни биз ўзбек тилининг морфологик сатҳида таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўрдик.

Гендер тилшунослигида эркак ва аёл матнларида учрайдиган морфологик бирликларнинг грамматик маънолари, қўлланишдаги стилистик ўзига хос хусусиятлари Мукаррама Муродова [8], Саида Зуннунова [5], Зулфия [6] ва Мирзакарим Пирматов [7], Саид Аҳмад [9], Ҳамид Олимжон [10]ларнинг матнлари орқали таҳлил қилинди. Таҳлил қуйидагича натижаларни берди:

-лар қўшимчасининг гендер хосланган қиёсий таҳлили

Омил (5091та сўз)	Аёл матни	Кўрсаткич (фоиз)	Эркак матни	Кўрсаткич (фоиз)
Жами	**267**	**5**	**315**	**6**
Кўплик маъносида	255	5	291	6
Ҳурмат маъносида	4	0,07	8	0,15
Чама-тахмин маъносида	8	0,15	16	0,30

-лар қўшимчасининг эркак ва аёл матнида турлича маъноларда келиши ва сони ҳисобланганда, унинг эркак матнида аёл матнига нисбатан кўпроқ ишлатилиши маълум бўлди.

Гендер тилшунослиги эркак ва аёл матнларида қўлланган келишик қўшимчалар миқдори, англатган маънолари ва асосий хусусиятларини ўрганишни ҳам талаб этади. Айниқса, эркак ва аёл тилининг ўзига хос баъзи бир фарқли томонлари ҳам борки, улар матнда келишикларни миқдор, маъно ва хусусиятларга кўра турлича қўллайдилар. Бундай фарқли томонни уларнинг матнларидаги келишик формаларида таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Келишик қўшимчаларининг гендер хосланган қиёсий таҳлили

Омил (5091 та сўз)	Аёл матни	Кўрсаткич (фоиз)	Эркак матни	Кўрсаткич (фоиз)
Жами	**1007**	**19**	**1244**	**24**
Қаратқич келишиги:	**172**	**3**	**213**	**4**
Белгили:	113		164	
Белгисиз:	52		39	
Қисқа холатда:	7		-	
Тушум келишиги:	243	5	378	7
Белгили:	202		335	
Белгисиз:	20		43	
Қисқа холатда:	21		-	
Жўналиш келишиги:	**263**	**5**	**322**	**6**
Ўрин-пайт келишиги	**226**	**4**	**183**	**3**
Чиқиш келишиги	**103**	**2**	**148**	**3**

Таҳлиллар натижасидан шундай хулосага келиш мумкин: муаллифи номаълум матннинг жинсини шу матнда келаётган келишик қўшимчаларнинг сонига, келишик қўшимчаларнинг ишлатилиш формасига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Юқоридаги таҳлилларда аёл кишининг эркак кишига нисбатан келишик қўшимчаларидан озроқ фойдаланиши буни кўрсатиб турибди.

Шунинг учун бадиий матннинг лингвопоэтик хусусиятлари таҳлил қилинганда, морфологик бирликларнинг ишлатилиши билан боғлиқ ҳолатларга ҳам эътиборни қаратиш лозим. Чунки гендер тилшунослиги эркак ва аёл бадиий матнида морфологик бирликларнинг ишлатилиши ҳамда грамматик маъноси фарқланишига алоҳида аҳа-мият берилади. Шунингдек, эркак ва аёл матнида сўз шакли ясовчи қўшимчаларининг қўлланишини гендер нуқтаи назаридан ўрганилиши ҳам аҳамиятга моликдир.

Сўз шакли ясовчи қўшимчаларининг гендер хосланган қиёсий таҳлили

Омил (5091 та сўз)	Аёл матни	Кўрсаткич (фоиз)	Эркак матни	Кўрсаткич (фоиз)
Жами	101	2	183	3
-р, -ар қўшимчаси	57	1	109	2
-ш, -иш қўшимчаси	44	0,80	74	1

Бадиий матнда морфологик бирликларнинг хосланишини умумлаштириб таҳлил этамиз:

Морфологик бирликларнинг гендер хосланган қиёсий таҳлили

Омил (5091та сўз)	Аёл матни	Кўрсаткич (фоиз)	Эркак матни	Кўрсаткич (фоиз)
-лар қўшимчаси	267	5	315	6
Келишик қўшимчаси	1007	19	1244	24
Сўз шакл ясовчи қўшимчалар	101	2	183	3

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, эркак ўз матнида морфологик бирликлардан кўпроқ фойдаланиб асар яратади. Зеро, “айнан тил соҳасида ҳам жинслар ўртасидаги фарқлар бевосита намоён бўлади. Шахслар қайси синфга мансуб эканликларини ўзларининг нутқларида ифодалайдилар”[2.359].

Гендер фарқланиши жараёнида бошқа экстралингвистик факторларга ҳам эътибор қаратилади: биринчи навбатда, ёшга доир, касбга доир ва ижтимоий статусга доир каби. Шунинг учун ҳам бир оилада, бир хил муҳитда, бир хил ижтимоий статусга эга бўлган ижодкорларнинг бир хил мавзу (ҳижрон), бир хил ҳажм (1697та сўздан иборат)даги матнлари ажратиб ўрганилди ва уларнинг ўзаро гендер дифференциацияси фарқланди:

Бир хил ижтимоий статусга эга бўлган ижодкорларнинг ўзаро морфологик хосланган гендер дифференциацияси

Омил (1697 сўз)	**Аёл матни**	**Сони (сўз)**	**Кўрсаткич (фоиз)**	**Эркак матни**	**Сони (сўз)**	**Кўрсаткич (фоиз)**
-лар қўшимчаси	М.М. С.З. З.	92 89 18	5 5 1	М.П. С.А. Ҳ.О.	100 100 115	6 6 6
Келишик қўшимчаси	М.М. С.З. З.	375 307 362	22 18 21	М.П. С.А. Ҳ.О.	458 419 394	26 24 23
Сўз шакл ясовчи қўшимча	М.М. С.З. З.	44 24 33	2 1 2	М.П. С.А. Ҳ.О.	65 62 62	3 3 3

Юқорида ўтказилган статистик таҳлил эркак ва аёллар нутқи (матн)да морфологик кўрсаткичлар миқдорининг фарқланишини кўрсатади. Мантиқан қараганда, матннинг стереотиплари пайдо бўлади ва тилда аёллар ва эркакларнинг қиёфаси гавдаланади. Тадқиқот натижасига кўра, морфологик бирликларда гендер дифференциацияси аёлларда 20 %, эркакларда 35% ни ташкил қилади.

Ишнинг назарий хулосаси шуки, эркак матнида морфологик бирликларнинг юқори кўрсаткичга эга эканлиги тилнинг гендер моделидир. Бу модель жамиятдаги амалий эҳтиёжларни, шахсий фаолият тарзини тадқиқ қилиш имконини беради, натижада гендер ролининг аҳамиятига эътибор

кучаяди. Бадиий матнда морфологик бирликларнинг қўлланишида андроцентрик тенденция кузатилади, яъни эркаклар ўз матнларида морфологик бирликларни аёллардан кўра кўпроқ қўллайдилар.

Демак, гендер жиҳатидан эркак ва аёл матни фақатгина мавзу бирликларида эмас, балки тил воситалари (лексик, морфологик), интонация шакли, коммуникатив-алоқа воситалари (пауза, нутқ ритми, овоз тони, новербал унсурлар) ҳам фарқланади. Е.С.Гриценко таъкидлаганидек, “тилни тавсифлашда гендер параметрларини ҳисобга олиш ҳам тилни, ҳам жамиятни яхшироқ тушунишга имкон беради” [3.360].

Адабиётлар:

1. Аҳмедов Б. Гендер лингвистикаси муаммолари // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари.- Андижон, 2012
2. Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси.- Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Гриценко Е.С. Язык как средство конструирования языка: дисс…доктора филол. наук.- Нижний Новгород, 1967.- С.56-72
4. Зулфия. Танланган асарлар.- Т., 1959.- Б.131-153
5. С.Зуннунова. Бир йил ўйлари.- Т.: Адабиёт ва санъат, 2005
6. Морковкин В.В. Идеографические словари. - М.,1970
7. Мирза Карим. Моҳларойим.- Т., 1993.- Б.3-12
8. Муродова Мукаррама. Оқибат. / Ўзбекистон овози.- 1999.- 27 март
9. Аҳмад С. Жимжитлик.- Т.,1989.- Б.3-9
10. Олимжон Ҳ. Балладалар, достонлар, шеърий хат.- Т., 1979.-Б.106-119
11. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Филол. фан. номзоди ...дисс.- Самарқанд,1993.
12. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. док. дисс.- Т., 2000.
13. Раупова Л. Диалогик нутқнинг дискурсив талқини.- Т.: Фан, 2011.

Андижон давлат университети,
2013 йил 25 февралда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф.А.Нурмонов)